

---

## БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИАДАСИ СТАРТ ОЛДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 30 июнь куни ёшлар билан учрашувида «Беш ташаббус олимпиадаси»ни йилда икки мартаба ўтказиш таелифини бергандилар. Мана бугун туманимиздаги барча маҳаллаларда «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг иккинчи мавсуми мусобақаларига бошланди.

Туман ҳокими ўринбосари Мирзоҳид Хатамов, туман ёшлар ишлари агентлиги раҳбари Умиджон Деҳқонов, туман спортни ривожлантириш бўлими бошлиғи Хайрулло Холматов иштирокида бугунги мусобақаларга старт берилди.

Мусобақаларда туманимиз ёшлари фаоллик билан иштирок этмоқдалар. Биринчи босқичда ғолиб бўлган ёшларимиз, иккинчи босқичда ёнларига ўз тенгдошларини ҳам чорламоқда. Ўтган гал ғолиб бўла олмаган ёшларимиз эса белни маҳкам боғлашган. Албатта ҳар бир ёш ғолиб бўлишга муносиб.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-09-14 11:18:04